

**“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг
ривожланиш бўйича 2024 йил
БИЗНЕС-РЕЖАСИ**



МУНДАРИЖА

1.	ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ	3
1.1.	2023 ЙИЛДА ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР ВА 2024 ЙИЛЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ҲАМДА РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН ИШЛАР	7
1.2.	ТЕХНИК СИЁСАТ	8
1.3.	ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЛОЙИҲАЛАР	11
1.4.	МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ПОДСТАНЦИЯЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ УЗАТИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ (10 ЙИЛЛИК) ДАСТУРИ	13
2.	БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ	14
2.1.	ЖАМИЯТНИНГ АКТИВЛАРИ МАВЖУД КОРХОНАЛАР	15
2.2.	ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНИ	15
3.	ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ	16
4.	ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ БАЛАНСИНING РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ	20
4.1.	МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ОРҚАЛИ УЗАТИЛАЁТГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ МИҚДОРИ	24
5.	МОЛИЯВИЙ РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ	25
6.	ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ (ЭКСПОРТ-ИМПОРТ)	27
7.	ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ РЕЖАСИ	29
8.	КРЕДИТ МАЖБУРИЯТЛАРИ	34
9.	ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИ	38
10.	ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА ТЎЛОВЛАР ҲИСОБИ	39
11.	ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОР ҚАРЗДОРЛИКЛАР	40
12.	САРФ ҲАРАЖАТЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШ	40
13.	СОФ ФОЙДА ТАҚСИМОТИ	41
14.	САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ	41
15.	ХОДИМЛАР ВА ИЖТИМОЙ СИЁСАТИ	43




1. ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Ўзбекистон МЭТ” АЖ, Жамият) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси электр энергетикасини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПҚ-4249-сон қарорига асосан тугатилган “Ўзэлектртармоқ” УК ва “Ўзбекэнерго” АЖ нинг “Энергосотиш” филиали негизида ташкил этилган.


Ўзбекистон Республикасининг магистрал электр тармоқларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш, электр энергиясини Республиканинг магистрал электр тармоқлари орқали етказиб бериш, электр энергиясини марказлашган тартибда харид қилиш ва сотиш ва давлатлараро транзитни амалга ошириш, кўшни давлатларнинг электр энергетика тизими билан ҳамкорлик қилиш “Ўзбекистон МЭТ” АЖ нинг асосий фаолият турлари ҳисобланади.

Бугунги кунда “Ўзбекистон МЭТ” АЖ таркибида жами 18 та ташкилот (таркибий бўлинмалар) мавжуд, жумладан 14 та ҳудудий магистрал электр тармоқлари, энергетика тизими бўйича фаолият юритадиган “Energo IT” филиали, “Магистралтармоққурилиш” филиали, “Энергомахсусавто” филиали, “Elektro Kommunal Qurilish” шулар жумласидандир.


Жамиятга қарашли 84 та нимстанция, 11 864,62 км дан ортиқ 110-500 кВли магистрал ҳаво электр узатиш линиялари ва 469 та автомобиль ва махсус автотранспорт воситалари мавжуд.



Электр узатиш ҳаво тармоқларининг узунлиги (кучланиши бўйича)



Подстанция трансформаторларининг қуввати (кучланиши бўйича)






Подстанциялар сони (кучланиш бўйича)

Жамият фаолиятининг мақсадлари:

- республиканинг магистраль электр тармоқларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш;
- электр энергиясини республиканинг магистраль электр тармоқлари орқали етказиб бериш ва давлатлараро транзитни амалга ошириш;
- электр энергиясини экспорт ва импорт қилиш, шунингдек, қўшни давлатларнинг электр энергетика тизими билан ҳамкорлик қилиш;
- электр энергияси ишлаб чиқарувчи, шу жумладан хусусий капитал иштирокидаги корхоналардан электр энергиясини ягона харид қилувчи функциясини бажариш, шунингдек, электр энергиясини ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига сотиш.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг алоқа маълумотлари: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 42-уй, факс (+998 71) 208-56-01, e-mail: info@uzbekistonmet.uz





Жамиятнинг Тошкент харитасидаги жойлашуви ва биносининг ташқи кўриниши



Ижро этувчи аппарат ва янги тахрирдаги ташкилий тузилма “Ўзбекистон МЭТ” АЖ Ягона акциядорининг 2023 йил 19 апрелдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган.

Бошқарув аппарати таркиби **246 штат** бирлигидан иборат. Ишчилар сони **4 226 нафар** янги иш ўринлар сони **28 та** яратилиши кутилмоқда.

1.1. 2023 ЙИЛДА ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР ВА 2024 ЙИЛЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ҲАМДА РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН ИШЛАР

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ электр энергиясини ягона харид килувчи сифатида давлат хусусий шериклиги тамойили асосида лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Ҳозирги кунга келиб, давлат хусусий шериклик тамойили асосида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда 2023-2026 йилларда жами 32 та лойиҳа доирасида электр энергиясини сотиб олиш битимлари имзоланган. Жумладан, 2026 йилга қадар 8 577 МВт қуёш, шамол ҳамда 5 114 МВт иссиқлик электр станцияларини ишга тушириш режалаштирилган.

Бугунги кунгача умумий қуввати 200 МВт бўлган 2 та қуёш ва умумий қуввати 1 374 МВт бўлган 6 та иссиқлик электр станциялари ишга туширилган. 2023 йил 1 августга қадар ушбу станцияларда жами 6 300,0 млн кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, тармоққа узатилган. Жорий йил якунигача ACWA Power (Саудия Арабистон) шериклик тамойиллари асосида амалга оширилаётган лойиҳаси Сирдарё вилоятида умумий қуввати 1500 МВт бўлган иссиқлик электр станцияси ишга туширилади.

Шунингдек, 2023 йилда 600 МВт қуёш, 50 МВт шамол ва 1 500 МВт иссиқлик электр станциялар, 2024 йилда эса 100 МВт шамол ҳамда 200 МВт иссиқлик электр станциялари ишга туширилади. Ҳозирда яна 6 та ФЭС бўйича тендер савдоларига тайёргарлик давом этмоқда, RFQ (тижорий таклифлар учун сўровнома) босқичи тугалланган.

MRC Group” (Испания) компаниясининг консультантлари иштирокида ишлаб чиқилган “Магистрал электр тармоқлари подстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиш, электр энергиясини узатиш тизимини ривожлантириш ва қайта тикланувчи энергия манбалари билан интеграциялашнинг узок муддатли (10 йиллик) дастури” лойиҳасига асосан 2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари асосида электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий қувватлари 12 ГВтни ташкил этилишини ҳамда ушбу қувватни тизимга интеграциялашни ҳисобга олган ҳолда, умумий узунлиги 4 275,6 км узунликдаги 500 кВли, 3 515,8 км узунликдаги 220 кВли ҳаво электр узатиш тармоқларини ҳамда 17 та 500 кВли, 30 та 220 кВли подстанцияларни куриш талаб этилади.

Ўзбекистон электр энергетика тизимининг интерактив моделини янгилаш, **DlgSILENT PowerFactory** дастурини 2024 йил учун лицензиясини харид қилиш. Электр тармоғига уланиши режалаштирилган ФЭС, ШЭС, ИЭСни тармоққа таъсирини ўрганиш бўйича хисоботлар DlgSILENT PowerFactory дастуридан фойдаланиб ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон МЭТ” АЖ томонидан ишлаб чиқилган 2030-йилгача Ўзбекистон энергетика тизимини ривожлантириш концепциясига асосан **DlgSILENT PowerFactory** дастурий таъминотида энергетика тизимининг 2024-2025 йиллар учун бўлган моделини ишлаб чиқиш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “**2022-2026** йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-307-сон қарорининг 3-илоvasи билан тасдиқланган 2022-2023 йилларда иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари томонидан янги инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича амалга ошириладиган аниқ устувор лойиҳалар рўйхатига киритилган лойиҳалар ижроси юзасидан 2024 йил хар ойида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотлар Олий таълим, фан ва



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2024 йил учун бизнес-режаси инновациялар вазирлигига ва Энергетика вазирлигига ахборот киритиб борилиши таъминланади.

1.2. ТЕХНИК СИЁСАТ

Энергия тизими барқарорлигини ошириш учун магистраль электр тармоқлари конфигурациясини такомиллаштириш ва модернизациялаш;

Ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан электр тармоқлари режимларини мақбуллаштириш, реактив қувватни компенсация қилиш ва магистраль электр тармоқларини ривожлантириш;

Энергетика тизимини рақамлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштирилган корпоратив ахборот тизими (ERP) ҳамда диспетчерлик назорати ва маълумотлар йиғиш тизимини (SCADA) жорий этиш;

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ) ни тўлиқ ишга тушириш;

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр энергияси ички истеъмолини камайтиришга эришиш.

Энергия тизими барқарорлигини ошириш учун магистраль электр тармоқлари конфигурациясини такомиллаштириш ва модернизациялаш.

Жамият таркибидаги подстанцияларда босқичма-босқич модернизация ишлари олиб бориш ва 2022-2030 йилларда подстанциялардаги маънан ва жисмонан эскирган электр ускуналари ўрнига замонавий энергия самарадорлиги юқори бўлган ускуналарни ўрнатиш дастурларини амалга ошириш.

Янги ишга туширилган энергия манбаларидан қувватларни узатиш ва барқарор энергия таъминотини яратиш ҳамда магистраль электр тармоқларини ривожлантириш мақсадида лойиҳалар асосида рақамлаштирилган электр тармоқларини куриш ва ишга тушириш ишларини олиб бориш.

2023-2025 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан амалга ошириладиган модернизация ва реконструкция ишлари бажарилади:

“Тошкент МЭТ”да 220 кВ кучланишли, иккита 250 МВА қувватли «Охангарон» ПСни куриш. «Адолат» ПС ва «Сергели» ПСларини боғловчи 220 кВ ҳаво электр узатиш тармоғидан «Охангарон» ПСгача «кириш-чиқиш» йўли билан икки занжирли 29 км узунликдаги ҳаво электр узатиш тармоғини куриш. 220 кВли ҳаво электр узатиш тармоғининг 76,8 км қисмини (Л-2-К-1 18,1 км Л-2-К-2 29,7 км Л-2-К-3 29 км реконструкция қилиш орқали қувват ўтказиш қобилятини ошириш (лойиҳа қиймати 161,3 млрд сўм);

“Навоий МЭТ” Навоий иссиқлик электр станциясидан 220 кВли «Бессопан» ўчириб-ёқиш пунктигача 177 км узунликдаги 220 кВ бўлган электр узатиш тармоғини 500 кВ габаритда куриш; 2х167 МВт бўлган иккита автотрансформаторларни ўрнатиш орқали 500/220 кВ «Мурунгов» подстанциясини куриш;

220 кВли Л-17-А, Л-17-Д, Л-17-Бессопан ва Л-17-Х-4” ҳаво узатиш тармоқларидан Навоий ИЭС 650 МВт қувватли 3-буғ-газ қурилмасини (БГҚ-3) доирасида янги ОТҚ-220



кВга “кириш-чиқиш” ҳаво узатиш тармоқларини қуриш; 2024-2025 йилларда Навоий кон-металлургия комбинатидан ўтказилган подстанцияларни модернизация ва реконструкция қилиш (Конимех, Учқудук, Зарафшон туманлари);

220 кВ қучланишли 2 та 250 МВА қувватли «Қувасой» ПСни қуриш.

“Хоразм МЭТ” филиалида Узунлиги 127 км бўлган 500 кВли «Саримой» (Хоразм вилояти) – «Жонкелди» (Бухоро вилояти) юқори қучланишли электр узатиш тармоғини қуриш;

“Жиззах МЭТ” филиали ҳудудида Сирдарё ИЭСда 220 кВ ҳаво линиясини ва 220 кВ «Зафаробод» подстанциясини қуриш;

“Андижон МЭТ” филиали ҳудудида Андижон вилоятидаги истимолчиларнинг электр таъминотини яхшилаш ҳамда аҳолини барқарор электр энергияси билан таъминлаш учун 220 кВ қучланишли ҳаво тармоғи ва янги 220/110/10 кВли подстанция қуриш;

Хакан подстанциясида 200 МВА трансформатор ўрнига иккита 250 МВА трансформаторига алмаштириш. Юқоридаги лойиҳаларни амалга ошириш натижасида “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг магистраль электр тармоқлари филиалларида электр энергиясининг технологик сарфлари камайишига эришилади.

Ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш, реактив қувватни компенсация қилиш ва магистраль электр тармоқларини ривожлантириш.

Жамият бўйича электр энергиясини тежаш юзасидан ташкилий-техник тадбирларни бажариш. Бунда подстанцияларда электр қурилмаларидан унумли фойдаланиш, ҳамда энергия тежамкорлик кўрсаткичлари юқори бўлган (А++, А+Б) приборларни қўллаш.

Подстанция ва хўжалик объектларидаги ёритиш қурилмалари бўйича 2024 йилда Андижон, Навоий, Самарқанд, Наманган, Хоразм ва Қорақалпоғистон МЭТ филиалларида ёритиш чироқлари ва прожекторларни энергия тежовчига алмаштириш ҳисобига 38,5 минг кВт.с электр энергияси тежалади.

Подстанциялардаги бино-иншоатларини таъмирлаш бўйича 2024 йилда Андижон, Навоий, Самарқанд ва Наманган МЭТ филиалларида ПС бино-иншоатларини термоизоляциясини яхшилаш натижасида 81,6 минг кВт.с электр энергияси тежалади.

Электр энергиясини тежашга қаратилган ташкилий-техник тадбирларни бажариш мақсадида подстанцияларнинг ўз истеъмолини 9 100 минг кВт.соатга қисқартиришга эришиш. Электр энергиясини магистраль тармоқлар орқали узатишдаги технологик сарфларни қабул қилинган энергияга нисбатан улушини 2024 йилда 2,85 фоиздан оширмаслик чораларини кўриш.

Энергетика тизимини рақамлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштирилган корпоратив ахборот тизими (ERP) ҳамда Диспетчерлик бошқаруви ва маълумотларни йиғиш дастурий-аппарат комплекси (SCADA)ни жорий қилиш.

(ERP) ва (SCADA) лойиҳаларини 2021-2024 йилларда жорий этиш кўзда тутилган. Ҳозирги кунда (SCADA) лойиҳа ТИАси «EDF-SIST» (Франция) консалтинг компанияси томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 февралдаги ПҚ–113-сон қарори билан тасдиқланган. (ERP) лойиҳа ТИАси “FORS SA SOLUTIONS” МЧЖ (Ўзбекистон) компанияси томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 февралдаги 68-сонли қарори билан тасдиқланган.



Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ)ни тўлиқ ишга тушириш.

Жамият филиаллардаги подстанцияларда локал электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ) қисман ишлаб келмоқда. 2024-2025 йилларда мавжуд ЭХНАТ янада такомиллаштирилган ҳолда юқори поғонага олиб чиқиш яъни барча тармоқлардаги энергия оқими назоратини “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан олиб бориш. Ҳисоботларни шакллантиришда инсон омилини камайтириш ва энергия кўрсаткичларни тўлиқ ҳаққонийлигига эришиш.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр энергияси ички истеъмолини 2030 йилгача бир ярим баробарга камайтиришга эришиш.

Жамият объектлардаги энергия истеъмолини 2030 йилгача бир ярим боробар қисқартириш ва энергиядан самарали фойдаланиш мақсадида 2024 йилда Жамият филиалларида бино-иншоотлари ва подстанцияларда қуёш панеллари ўрнатилиши кўзда тутилган. Хусусан, “Фарғона МЭТ” филиали Ўзбекистон-500 кВ подстанциясида қуввати 20 кВт ва “Самарқанд МЭТ” филиали Сўғдиёна-500 кВ подстанциясида 20 кВт, жами қуввати 40 кВт қуёш панеллари ўрнатиш. Бино-иншоотларда характ датчикларни ўрнатиш ҳамда белгиланган тадбирларни бажариш орқали электр энергиясини ўз ва хўжалик эҳтиёжи истъмолини 20 фоизга қисқартиришга эришишни таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасининг “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун талабларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 августдаги 164-сонли қарори билан тасдиқланган “Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини энергетика текширувидан ва экспертизадан ўтказиш қоидалари”га мувофиқ:

ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини мамлакат иқтисодиётига кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига электр энергияси ва нефть-газ маҳсулотларининг узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.



1.3. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЛОЙИХАЛАР

т/р	ДХШ лойиҳалари	Лойиҳа қуввати МВт	Ишга тушиш муддати
1	Сирдарё вилоятида ИЭС қуриш, ACWA Power (Саудия Арабистони)	1 500	2023 йил декабрь
2	Сурхондарё вилоятида ИЭС қуриш, Stone City Energy (Нидерландия)	1 590	I навбати - 2025 йил октябрь; тўлиқ - 2026 йил март
3	Сирдарё вилоятида ИЭС қуриш, EDF-Nebras-Sojitz (Франция, Қатар, Япония)	1 574	I навбати - 2025 йил сентябрь; тўлиқ - 2026 йил март
4	Жиззах вилоятида ИЭС қуриш Cengiz Enerji (Туркия)	450	I навбати - 2024 йил декабрь; тўлиқ - 2025 йил май
	Жами ИЭСлари	5 114	
1	Қашқадарё вилояти ФЭС қуриш, Gezhouba (Хитой)	500	I навбати - 2023 йил декабрь; тўлиқ - 2024 йил июнь
2	Тошкент вилояти ФЭС қуриш, Gezhouba (Хитой)	700	I навбати - 2023 йил декабрь; тўлиқ - 2024 йил июнь
3	Тошкент вилояти ФЭС қуриш ACWA Power (Саудия Арабистони)	400	I навбати - 2023 йил декабрь; тўлиқ - 2024 йил сентябрь
4	Самарқанд вилояти ФЭС қуриш ACWA Power (Саудия Арабистони)	1000	I навбати - 2023 йил декабрь; тўлиқ - 2024 йил сентябрь
5	Самарқанд вилояти ФЭС қуриш Terelen (Швейцария)	30	2023 йил декабрь
6	Навоий вилоятида ФЭС қуриш, Phanes group (БАА)	200	I навбати - 2024 йил декабрь; тўлиқ - 2025 йил апрель
7	Сурхондарё вилоятида ФЭС қуриш, Masdar Energy (БАА)	457	I навбати - 2023 йил декабрь; тўлиқ - 2024 йил октябрь
8	Самарқанд вилоятида ФЭС қуриш, Masdar Energy (БАА)	220	I навбати - 2023 йил декабрь; тўлиқ - 2024 йил май
9	Жиззах вилоятида ФЭС қуриш, Masdar Energy (БАА)	220	I навбати - 2023 йил декабрь; тўлиқ - 2024 йил май
10	Бухоро вилоятида ШЭС қуриш, ACWA Power (Саудия Арабистони)	500	I навбати - 2024 йил май; тўлиқ - 2025 йил май



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2024 йил учун бизнес-режаси

11	Бухоро вилоятида ШЭС қуриш, Liaoning Lide (Хитой)	600	I навбати - 2025 йил октябрь; тўлиқ - 2026 йил июнь
12	Бухоро вилоятида ШЭС қуриш, ACWA Power (Саудия Арабистони)	500	I навбати - 2024 йил май; тўлиқ - 2025 йил май
13	Навоий вилоятида ШЭС қуриш, Masdar energy (БАА)	500	I навбати - 2023 йил декабрь; тўлиқ - 2025 йил август
14	Қорақалпоғистон Республикасида ШЭС қуриш, ACWA Power (Саудия Арабистони)	100	I навбати - 2024 йил февраль; тўлиқ - 2024 йил декабрь
15	Қорақалпоғистон Республикасида ШЭС қуриш, ACWA Power (Саудия Арабистони)	1500	I навбати - 2026 йил ноябрь; тўлиқ - 2027 йил июнь
16	Хоразм вилояти ФЭС қуриш, Voltalia (Франция)	100	I навбати - 2025 йил февраль; тўлиқ - 2025 йил июнь
17	Бухоро вилояти ФЭС қуриш, Gezhouba (Хитой)	500	I навбати - 2023 йил декабрь; тўлиқ - 2024 йил июнь
18	Қашқадарё вилоятида ФЭС қуриш, Masdar (БАА)	300	2025 йил март
19	Бухоро вилоятида ФЭС қуриш, Masdar (БАА)	250	2025 йил июнь
Тайёрланаётган лойиҳалар			
1	Тошкент вилояти ФЭС қуриш Datang (Хитой)	1000	I навбати - 2023 йил декабрь; тўлиқ - 2024 йил сентябрь
2	Тошкент вилояти ФЭС қуриш Datang (Хитой)	300	I навбати - 2023 йил декабрь; тўлиқ - 2024 йил сентябрь
3	Жиззах вилояти ФЭС қуриш Huaneng Renewable (Хитой)	1000	I навбати - 2025 йил октябрь; тўлиқ - 2026 йил июнь
4	Андижон вилояти ФЭС қуриш Power China (Хитой)	400	2025 йил
5	Жиззах вилояти ШЭС қуриш Universal Energy (Хитой)	500	I навбати - 2025 йил октябрь; тўлиқ - 2026 йил июнь
6	Наманган вилояти ФЭС қуриш Terelen (Швейцария)	500	I навбати - 2023 йил декабрь; тўлиқ - 2024 йил
7	Бухоро вилояти ФЭС қуриш Terelen (Швейцария)	500	2025 йил декабрь
8	Навоий вилояти ФЭС қуриш Terelen (Швейцария)	500	I навбати - 2023 йил декабрь; тўлиқ - 2024 йил
9	Республиканинг бошқа ҳудудларида	970	2025-2027 йиллар
Жами тайёрланаётган лойиҳалар		5 670	



Жами ИЭС, ШЭС ва ФЭС	19 361	
-----------------------------	---------------	--

1.4. МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАР ПОДСТАНЦИЯЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ УЗАТИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ (10 ЙИЛЛИК) ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18-19 март кунлари Тошкент вилоятига ташрифи давомида ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида берилган топшириқлари бўйича “Тошкент вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши ва мавжуд муаммоларни ҳал этиши юзасидан амалга ошириш зарур бўлган чора-тадбирлар тўғрисида”ги **15-сонли** баённинг **99-банди 2-хатбошида** “Магистрал электр тармоқлари подстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиш, электр энергиясини узатиш тизимини ривожлантириши ва қайта тикланувчи энергия манбалари билан интеграциялашнинг узоқ муддатли (10 йиллик) дастури”ни ишлаб чиқиш “O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” АЖ.га юклатилган.

Мазкур лойиҳа доирасида “**MRC Group**” (Испания) компаниясининг консультантлари “Тармоқ ўтказувчанлиги қобилятининг дастлабки таҳлили” ҳисоботини ҳозирги кунда тўпланган маълумотлар асосида “қайта тикланувчи энергия манбаларининг ягона энергетика тизимининг мавжуд ҳолати бўйича уланганда уларнинг тизимга таъсири” юзасидан ҳисоботини қайта кўриб чиқиб, ягона энергетика тизимига **1,2 ГВт** қуёш, **0,9 ГВт** шамол электростанцияларини улаш имконияти мавжудлиги тўғрисида дастлабки хулоса хатини киритган (Хулоса хати илова қилинади).

Маълумот учун: **2026 йилга** қадар давлат хусусий-шериклик тамойили асосида умумий қуввати **10 221 МВт** бўлган қуёш (**2 197 МВт 11 та лойиҳа**), шамол (**1 800 МВт 5 та лойиҳа**) ва иссиқлик (**6224 МВт 9 та лойиҳа**) электр станциялари ишга туширилиб, ягона энергетика тизимига уланиши режалаштирилган.

2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари асосида электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий қувватлари **12 ГВт**ни ташкил этилишини ҳамда ушбу қувватни тизимга интеграциялашни ҳисобга олган ҳолда, умумий узунлиги **4 275,6 км** узунликдаги **500 кВ**ли, **3 515,8 км** узунликдаги **220 кВ**ли ҳаво электр узатиш тармоқларини ҳамда **17 та 500 кВ**ли, **30 та 220 кВ**ли подстанцияларни қуриш талаб этилади. Жумладан:

2026 йилга қадар кўзда тутилган лойиҳалар доирасида жами **1 432,3 км** узунликдаги **500 кВ**ли, **2 593,6 км** узунликдаги **220 кВ**ли ҳаво электр узатиш тармоқларини ҳамда умумий қуввати **9 414 МВА** бўлган **7 та 500 кВ**ли, **8 400 МВА** бўлган **21 та 220 кВ**ли подстанцияларни қуриш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг ўзгарувчан қувватларини ростлашга мўлжалланган **1252 МВт**ли тез ишга туширилувчи генерация манбаларини, кечки тиғиз соатлардаги истеъмолни қоплаш учун умумий қуввати **3 000 МВт** (**2030 йилга қадар**) бўлган энергияни сақловчи қурилмаларни ишга киритишга қаратилган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш талаб этилади. **2027-2030 йилларда 25 та** лойиҳа доирасида **2843,3 км 500 кВ**ли ҳаво электр узатиш тармоқлари, **6 та 500/35 кВ**ли, **4 та 500/220/110 кВ**ли подстанциялар ҳамда **15 та** лойиҳа доирасида **922,18 км 220 кВ**ли



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2024 йил учун бизнес-режаси

ҳаво электр узатиш тармоқлари, **4 та 220/35 кВ**ли, **5 та 220/110 кВ**ли подстанцияларни қуриш, модернизация дастури доирасида **23 та** подстанцияда трансформаторлар қувватининг оширилиши лозим.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, дастур доирасида **2030 йилга** қадар кўзда тутилган электр узатиш тармоғи ва подстанциялар қурилиши мақсадлари учун жами **5 501,8 млн доллар**, жумладан, электр узатиш тармоғи қурилиши учун **4 967,6 млн доллар**, подстанциялар қурилиши учун **414,2 млн доллар** ва конденсаторларни ўрнатиш учун **120,0 млн доллар** миқдорида маблағ талаб этилади. Шундан:

- **2023 йилда 930,4 млн доллар** (электр узатиш тармоғи – **893,9 млн долл.**, подстанция – **36,5 млн долл.**);

- **2024 йилда 965,3 млн доллар** (электр узатиш тармоғи – **897,9 млн долл.**, подстанция – **67,4 млн долл.**);

- **2025 йилда 510,6 млн доллар** (электр узатиш тармоғи – **429,6 млн долл.**, подстанция – **81,0 млн долл.**);

- **2026 йилда 1 166,3 млн доллар** (электр узатиш тармоғи – **1 134,3 млн долл.**, подстанция – **32,0 млн долл.**);

- **2027 йилда 805,1 млн доллар** (электр узатиш тармоғи – **690,1 млн долл.**, подстанция – **55,0 млн долл.**, конденсатор – **60,0 млн долл.**);

- **2028 йилда 403,9 млн доллар** (электр узатиш тармоғи – **338,0 млн долл.**, подстанция – **35,9 млн долл.**, конденсатор – **30,0 млн долл.**);

- **2029 йилда 158,2 млн доллар** (электр узатиш тармоғи – **87,2 млн долл.**, подстанция – **41,0 млн долл.**, конденсатор – **30,0 млн долл.**);

- **2030 йилда 328,4 млн доллар** (электр узатиш тармоғи – **269,4 млн долл.**, подстанция – **59,0 млн долл.**).

Хозир кундада магистрал электр тармоқлари подстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиш, электр энергиясини узатиш тизимини ривожлантириш ва қайта тикланувчи энергия манбалари билан интеграциялаш бўйича Хукумат қарори ишлаб чиқилган ва мутасадди вазирликлар билан келишилмоқда.

2. БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ бошқаруви органлари Ягона акциядори, Кузатув кенгаши ва Бошқарув аппарати таркибидан иборат.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади. “Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг барча оддий акциялари Ягона акциядорга - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тегишли бўлиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддасига биноан акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмасдан Ягона акциядор томонидан қарорлар қабул қилинади.

Ушбу Қонунда ва жамият уставида акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар Ягона акциядор - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига томонидан қабул қилинади ва ёзма равишда ижро этилади. “Ўзбекистон МЭТ” АЖ Кузатув кенгаши **7** кишидан иборат бўлиб, уларнинг



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2024 йил учун бизнес-режаси

номзодлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ягона акциядор томонидан тасдиқланади.

Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш Ижро этувчи орган - Жамият бошқаруви томонидан амалга оширилади. Бошқарув аппарати 5 аъздан иборат, шу жумладан, бошқарув раиси ва тўрт нафар бошқарув раиси ўринбосарлари. Жамият Ижроия органи “Ўзбекистон МЭТ” АЖ Ягона акциядорининг қарорига биноан ҳамда жамият Кузатув кенгашининг йиғилиш баёнига мувофиқ лавозимга тасдиқланади ва лавозимидан озод этилади.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг устав капитали **5 113 388 761 500** (беш триллион бир юз ўн уч миллиард уч юз саксон саккиз миллион етти юз олти миш бир минг беш юз) сўмни ташкил қилади. У ҳар бирининг номинал қиймати 100 сўм бўлган **51 133 887 615** дона оддий акциялардан ташкил топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси электр энергетикасини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 18 августдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларини ислоҳ қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-283-сон қарорига мувофиқ “Ўзбекистон МЭТ” АЖни ташкил этиш жараёнида чиқарилган акциялар ҳамда устав капиталига қўшилган активлар ҳисобига қўшимча чиқарилган акциялар Давлат вакили бўлган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тегишли.

2.1. ЖАМИЯТНИНГ АКТИВЛАРИ МАВЖУД КОРХОНАЛАР
(млн.сўм)

№	Корхона номи	Улуш миқдори (%)	Устав капитали (баланс қиймати)	Фаолият йўналиши	2021 йилда олинган даромад (дивиденд)
1. Тизимдаги корхоналар					
1	“Elektro Kommunal Qurilish” МЧЖ	100	144,0	Қурилиш ва пардозлаш ишлари	
2. Носоҳавий активлар					
2	“Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” АКБ	0,025	1 106,7	Банк хизматлари	

2.2. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНИ

№	ФИШ	Лавозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври	Корхонадаги улуши
I. Акциядорлар (иштирокчи, мулкдор)			
1	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Давлат муассасаси	Йирик акциядор-100% (51 133 887 615 дона оддий акция)
II. Кузатув кенгаши аъзолари			



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2024 йил учун бизнес-режаси

2	Саидова Галина Каримовна	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари (Кузатув кенгаши раиси 2021 йилдан)	
3	Ходжаев Шерзод Хикматулаевич	Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Лойиҳа офиси директори (2023 йилдан)	-
4	Насритдинходжаев Омонулло Забихуллаевич	Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон ва геология вазирининг биринчи ўринбосари (2023 йилдан)	-
5	Хаджиханов Борий Абирханович	Вазирлар Маҳкамаси аппарати бўлим бошлиғи (2023 йилдан)	-
6	Носиров Қахрамонжон Жумабоевич	Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг маслаҳатчиси (2022 йилдан)	-
7	Кариев Баходир Давранжанович	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бош мутахассиси (2023 йилдан)	-

III. Ижроия органи

1	Исакулов Дадажон Айнакулович	Бошқарув раиси (2019 йилдан)	-
2	Назиров Абдумалик Абдусалимович	Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари (2022 йилдан)	-
3	Артиков Собир Садуллаевич	Бошқарув раисининг стратегик ривожлантириш, трансформация, саноатда кооперация алоқаларни кенгайтириш, рақамлаштириш ва ахборот технологиялари бўйича биринчи ўринбосари (2019 йилдан)	-
4	Курбонов Феруз Мустафоевич	Бошқарув раисининг инвестициялар ва капитал курилиш бўйича ўринбосари (2020 йилдан)	-
5	Юлдашев Акбархон Аббасович	Бошқарув раисининг иқтисодиёт ва тижорат масалалари бўйича ўринбосари (2023 йил октябрдан)	-

3. ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

Соҳада трансформация жараёнларини жадаллаштириш бўйича қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 мартдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-83-сон қарори, 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги ПФ-101-сон Фармони, 2022 йил 3 февралдаги “Жаҳон банки иштирокида “Электр энергетика секторини трансформация қилиш ва барқарор электр узатиш” лойиҳасини амалга ошириш ҳамда республика магистрал электр тармоқлари тизимини



ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-113-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 29 апрелдаги “Республика электр энергетика тармоғи корхоналарини трансформация қилиш, уларнинг операцион бошқарув тизимида етакчи мамлакатлар тажрибасини татбиқ этиш, шунингдек, бошқарув тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 210-Ғ-сон фармойиши ва бошқалар шулар жумласидандир.

Юқорида таъкидлаб ўтилган амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари ижросини ўз вақтида ва сифатли бажариш бўйича 2023 йилда ҳам “Ўзбекистон МЭТ” АЖ томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан,

- Жамият томонидан мулкларни бегоналаштиришда, уни сотишда, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритишда, шунингдек, асосий фаолиятдан ташқари кўшимча фаолият билан шуғулланишда мажбурий тарзда ушбу корхоналар Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда амалга ошириш амалиёти йўлга қўйилди;

- “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизими” бўйича (ISO 14001:2015), “Меҳнат хавфсизлиги ва саноат хавфсизлигини бошқариш тизими” бўйича (ISO 45001:2018) ва “Энергия бошқаруви тизими” бўйича (ISO 50001:2018) халқаро стандартлари жорий этилди;

- “Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг 2022 йил учун Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари талаби асосидаги консолидациялашган молиявий ҳисоботлари учун ижобий аудиторлик хулосаси олинди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги ПҚ-57-сон қарори ижросини таъминлаш ва “Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш даражасини ошириш мақсадида, Жамият ва унинг филиалларига қарашли бўлган 21 та маъмурий бинога жами қуввати 590 кВт бўлган қуёш панеллари ҳамда 1100 литрли сув иситиш гелиоколлекторлари ўрнатилди. Ўрнатилган мазкур қуёш панеллари бир йил давомида жамиятнинг электр энергия истеъмолини ўртача 1 400,0 минг кВт•соатга тежаш имконини бермоқда. Эҳтиёждан ортиқча яратилган электр қуввати “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ҳудудий филиалларига етказиб берилмоқда;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги фармони ижроси бўйича Fitch Ratings “Ўзбекистон МЭТ” АЖ га биринчи марта эмитентнинг узоқ муддатли “В-” барқарор даражасидаги халқаро кредит рейтингини тақдим этди;

- Бугунги кунда харидлар жараёнини рақамлаштириш бўйича янги дастурий таъминот тизими яратилди. Унда харидлар бўйича талабномаларни шакллантириш, омбор ва захира имкониятларини текшириш, мажбурий маркетингдан ўтказиш, харидларни тендер, танлов, аукцион, электрон магазин, кооперация ва тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга ошириш, шартномалар тузиш ва шартномалар ҳисобини юритиш, харидларга руҳсат олиш бўйича электрон ҳужжат алмашинувини йўлга қўйиш ва харидлар тизимини тўлиқ мониторинг қилиш имкониятларини ўз ичига олган тизим шакллантирилди.

- Ҳодимлар сиёсатини ривожлантириш, уларни ўқитиш, малакаларини ошириш, хусусан, ахборот инфратузилмасида марказий аппарат ва барча филиаллардаги ахборот ва киберхавфсизлик бўйича масъул ходимлари малакасини ошириш, соҳага оид хорижий тажрибаларни ўрганиш, жамиятни трансформация қилиш ҳамда бошқарув сифатини яхшилаш чоралари кўрилди.



• Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги "Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПҚ-168-сон қарорига кўра Жамиятнинг асосий фаолиятига оид бўлмаган вазифаларни қисқартириш бўйича чоралар кўрилди. Жумладан, Наманган ТСК, Нурафшон санаторияси, Тошкент ТСКлар Давлат активларини бошқариш агентлигига, Бўстонлиқ туманида жойлашган Қоронкўл дам олиш маскани ва Ўртачирчик туманида жойлашган Қалдирғоч дам олиш оромгоҳи Сув спорти олий махорати мактабига белгиланган тартибда топширилди. “Ўзбекистон МЭТ” АЖ 100 фоиз улушга эга бўлган “Энергомахсусавто” МЧЖ Ягона акциядоримизнинг 2023 йил 19 апрелдаги 1-сон қарори билан ҳамда Кузатув кенгашининг 2022 йил 14 декабрдаги 9/2022-сон йиғилиш баёнига кўра Жамиятимиз таркибига кўшиб юбориш йўли билан “Ўзбекистон МЭТ” АЖ филиали шаклида қайта ташкил этилди. Жамиятимиз таъсисчилигидаги "Ўзэнергоинжиниринг" АЖ, Савдоэнерго АЖ ва "GRIDCON" МЧЖлари ҳам белгиланган тартибда Давлат активларини бошқариш агентлиги топширилди.

2024 йилда ҳам “Ўзбекистон МЭТ” АЖда трансформация жараёнларини жадал давом эттириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди. Жумладан:

• “Сифат менежменти тизими” бўйича (ISO 9001:2015), “Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш тизими” бўйича (ISO 37001:2016), “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизими” бўйича (ISO 14001:2015), “Меҳнат хавфсизлиги ва саноат хавфсизлигини бошқариш тизими” бўйича (ISO 45001:2018) ва “Энергия бошқаруви тизими” бўйича (ISO 50001:2018) халқаро стандартлари белгилаган талаблар ижросини таъминлаш ҳамда ушбу талабларга жамиятимиз томонидан қанчалик амал қилинаётганлигини ўрганиш бўйича оралик кузатув аудитларини ўтказиш;

• Энергокомпанияларда чуқур диагностика ўтказиш ва тизимли камчиликларни аниқлаш, ҳаражатларни қисқартириш ва замон талабларига жавоб берадиган операцион бошқарув тизимини яратиш бўйича “McKinsey&Company” халқаро консалтинг компанияси томонидан ишлаб чиқилган тавсияларини босқичма-босқич амалга ошириш ҳисобига 2026 йил якунига қадар 1,1 трлн сўм миқдорида иқтисодий самарадорликка эришиш чораларини кўриш;

• Жамият ҳаражатларини қисқартириш ва фаолият бўйича кўшимча даромад манбаларини топиш устида ҳар бир ташкилий тузилмалар кесимида ишлар олиб бориш;

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида жаҳондаги йирик тўртта аудитор-консалтинг компанияларидан бири ҳисобланган, “Ernst & Young” компанияси томонидан “Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг 2023 йил учун ижобий аудиторлик хулосасини олиш;

• “Магистрал электр тармоқлари подстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиш, электр энергиясини узатиш тизимини ривожлантириш ва қайта тикланувчи энергия манбалари билан интеграциялаш”нинг узок муддатли (10 йиллик) стратегиясини амалиётга жорий этиш. Пировардида 2030 йилга қадар кўзда тутилган лойиҳалар доирасида ҳаво электр узатиш тармоқлари ва подстанцияларини қуриш, қайта тикланувчи энергия манбаларини тизимга улаш, тиғиз соатлардаги истеъмолни қоплаш учун энергия сақловчи қурилмаларни ишга тушуриш ва истеъмолчиларни электр энергияси билан узлуксиз ва сифатли таъминлашга қаратилган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чораларини кўриш;

• Давлат хусусий шерикчилик тамойиллари асосида иссиқлик электр станциялари, Тошкент шаҳрида иссиқлик когенерацион станцияларни қуриш, шунингдек қайта



тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ва тизимга юкламаларни қисқартириш мақсадида гидроэлектрстанциялар, шамол электр станциялари ва айниқса кўш (фото) электр станцияларини давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида қуриш ишларини амалга ошириш;

• Жамиятда рақамли трансформация жараёнларини янада жадаллаштириш. Жумладан,

- Жамиятимизнинг Клауд (Облоко) сервери ва у билан боғловчи дастурий таъминот тизимини янада ривожлантириш, булутли провайдер инфратузилмасига жамиятимизга оид бўлган ахборот ресурсларини электрон равишда тўплаб бориш ва ундан барча ходимларимизнинг дунёнинг исталган нуқтасидан туриб фойдаланишлари учун имконият яратиш;
- 1С-корхона дастурини кўшимча платформа ёрдамида МХҲС (Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари)га мослаштириш ишларини тўлиқ якунлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 февралдаги “Ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-54-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда магистрал электр тармоқлари орқали оқиб ўтаётган электр энергиясини вақт бирлигида кузатиб бориш, электр оқими ва технологик йўқотишлар ҳисобини (On line) юритиш мақсадида “Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган ахборот-ўлчов тизимини (ЭЭИҲО ва НҚААЎТ) йил якунига қадар ишга тушириш чораларини кўриш;
- Жамиятимизга қаршли 84 та подстанция ва 11.864,6 км узунликдаги 35/500 кВли магистрал электр тармоқ линиялари бўйича барча электр тармоғи хўжалиги объектларининг электрон паспортларини юритиш ҳамда техник кўриқ ва таъмирлашга оид бўлган барча зарурий маълумотлар ҳисобини юритувчи дастурий таъминот тизимини яратиш. Бу эса бутун тизимдаги қурилмаларни доимий соз ва ишчи ҳолатда сақлаш ҳисобига электр таъминоти сифатини оширишга хизмат қилади;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон банки иштирокида “Электр энергетика секторини трансформация қилиш ва барқарор электр узатиш” лойиҳасини амалга ошириш ҳамда республика магистрал электр тармоқларини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 3 февралдаги ПҚ-113-сонли қарорига кўра “Ўзбекистон МЭТ” АЖда юқори кучланишли электр узатиш тармоғи тизимини мониторинг қилиш, бошқариш ва эксплуатация қилиш жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган (SCADA) “Диспетчерлик назорати ва маълумотларни йиғиш” ҳамда (EMS) “Электр энергияси оқимини бошқариш” бўйича замонавий рақамли технологияларга асосланган дастурий комплексни жорий этиш ишларини давом эттириш. Лойиҳа доирасида 125 та подстанцияда рақамли қурилмалар ўрнатилади ва 3 162 км оптик толали алоқа тармоқлари тортилади;
- Мазкур ПҚ-113-сон қарорга кўра (ERP) “Ресурсларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими”ни яратиш бўйича ҳам ишларни жадаллаштириш;



- Илғор хорижий тажриба, замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида барча тармоқлар ва соҳаларга инновация фаолиятини самарали жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш;
- Кадрлар сиёсати бўйича Жамият ходимлари малакасини мунтазам ошириб бориш. 2024 йилда ҳам 1300 дан ортиқ ходимларни мамлакатимизда, 100 дан ортиқ ходимларни эса хорижда малака оширишларини таъминлаш ва 50 дан ортиқ ходимларни олий таълим муассасаларида ўқитиш;
- Жамият ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги кўрсаткичлари (KPI) тизимини ҳамда мазкур кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда, ходимларни моддий рағбатлантириш, хизматда лавозимини ошириш, мукофотлаш, интизомий чоралар қўллаш тизимларини жорий этиш ва бошқалар.

4. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ БАЛАНСИНING РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил учун электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансини тасдиқлаш тўғрисидаги фармойиши лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 январдаги Ф-5422-сонли фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ электр энергиясини ишлаб чиқаришда янада барқарор ўсишга эришиш, энергия ресурсларининг мутаносиблигини ошириш, шу асосда корхоналар ва аҳолининг электр энергиясига бўлган талабини тўлиқ қондирилишини таъминлаш, республика иқтисодиёти соҳалари ва тармоқларини барқарор ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Бунда, 2024 йил учун:

I. Ишлаб чиқариш

Электр энергиясини ишлаб чиқариш республика бўйича **84.408,7 млн.кВт.с** ёки 2023 йил кўрсаткичларига нисбатан **4.839,4 млн.кВт.с.га (106,1%)** кўп режалаштирилмоқда. Жумладан:

Иссиқлик электр станциялари ва марказларида **70.699,8 млн.кВт.с** электр энергияси ишлаб чиқарилиши прогноз қилинмоқда. Бу Давлат хусусий шерикчилиги асосида қурилаётган иссиқлик электр станциялари ва қуёш, шамол электр станцияларида янги қувватларни ишга туширилиши ҳисобига 2023 йилдаги кўрсаткичдан **343,4 млн.кВт.с га (99,5%)** камдир.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг гидроэлектр станцияларида электр энергиясини ишлаб чиқариш миқдори, ўрта ва узоқ йиллик гидроманбаларнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда **7.043,7 млн.кВт.с** режалаштирилиб, бу 2023 йилга нисбатан **216,1 млн.кВт.с ёки 103,2%** га кўпдир.

Иссиқлик электр станцияларида электр энергиясини ишлаб чиқариш табиий газ, мазут ва кўмир билан таъминланганлик ҳамда энергия қурилмаларининг техник ҳолати, шунингдек, ёқилғи сарфини камайтириш прогноз кўрсаткичлари ҳисобига амалга оширилади.

Республика ташкилотларининг блокстанциялари томонидан электр энергиясини



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2024 йил учун бизнес-режаси

ишлаб чиқариш **923,9 млн.кВт.с.**ни ташкил этади. Шундан **“Олмалик КМК” АЖда 200,0 млн.кВт.с.**, **“Uz-Kor Gas Chemical” МЧЖ қўшма корхонасида 390,2 млн. кВт.с.** ва **“Uzbekistan GTL” МЧЖда 313,7 млн. кВт.с.** ни ташкил қилади.

Қўшни республикалардан импорт қилинадиган электр энергияси миқдори **5.171,7 млн.кВт.с.**ни ташкил этади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, 2023 йилга мўлжалланган электр энергияси манбаи **89.580,4 млн.кВт.с.**ни ташкил этади ёки бу кўрсаткич 2023 йилга нисбатан **4.550,8 млн.кВт.с.**га кўпдир.

